

Ўзбекистонда исломий молия тизимиға оид қонун лойиҳаси парламент муҳокамасига қўйилади



17:06 / 20 май 976

«Бу йил Ўзбекистонда исломий молия тизимини жорий этишга оид қонун лойиҳаси парламент муҳокамасига қўйилади» дейди Марказий банк раиси ўринbosари Беҳзод Ҳамраев.

- Ўзбекистонда исломий молиялаш тизимини йўлга қўйиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳужжат қабул қилинса, қонунчиликка жуда кўп ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.

18 май куни бўлиб ўтган Сенат ялпи мажлисида «Ўзбекистон-2030» стратегиясида республикада ислом молияси қонуний асосларини шакллантириш ҳамда тартибларини жорий этиш белгилангани эслатилди. Беҳзод Ҳамраевнинг айтишича, ислом молиясини йўлга қўйиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, ҳужжатни 2024 йил якунигача парламент муҳокамасига киритиш режалаштирилган.

Ислом молияси янги ва мураккаб соҳа бўлгани учун қонунчиликка жуда кўп ўзгартиришлар киритишни талаб қиласи. Масалан, гаров, ссуда йўналишларида, «Марказий банк тўғрисида»ги қонунлардан тортиб «Банклар фаолияти тўғрисида»ги қонун ва бошқа ҳужжатларга ўзгартириш киритиш керак. Ҳозир ушбу қонун лойиҳаси тайёр. Жорий

йилда биргаликда ишлаб, парламент муҳокмасига киритиш асосий вазифаларимиздан бири, – деди Марказий банк масъули.

Мажлисда Беҳзод Ҳамраев ҳозирда айрим тижорат банкларида бир нечта исломий молия хизматлари кўрсатилаётганини айтди.

«Кредит ва микромолия ташкилотлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш киритилган ва ҳужжатда алоҳида тартиблар мавжуд. Ҳозиргача фақат низом кутилаётганди. Айни пайтда Марказий банк томонидан «Исломий молия хизматларини кўрсатиш тўғрисида»ги низом ишлаб чиқилди. Ҳозир у давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинганд. Рўйхатдан ўтгач, бу соҳада ишлаш бошланади. Амалдаги қонунчилик доирасида «Агробанк», «Саноатқурилишбанк», «Микрокредитбанк», «Ипак йўли» банклари Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорациясининг кредит линиялари ҳисобидан муробаҳа хизматларини кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, Трастбанк ҳузуридаги «Трастмуомалат» МЧЖ томонидан исломий лизинг ва муробаҳа насияга савдо операциялари хизматлари амалга оширилмоқда. «Ҳамкорбанк» томонидан ҳам исломий лизинг хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Базавий қонунларимизни 2024 йилда якунига етказсак, ўйлайманки, қолган банкларда ҳам бу хизматлар оммалашиб кетишига талаб бор, шароит ҳам яратилади, — деди раис ўринbosари.

Аввалроқ Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуродов ҳам Ўзбекистонда исломий молия тизимини йўлга қўйиш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқилганини [айтганди](#).

Биз давлат раҳбарининг топшириқлари билан Марказий банк ва ҳукумат томонидан исломий молия бўйича қилиниши керак бўлган ишлар юзасидан тегишли қарор лойиҳасини ҳукуматга киритганмиз. Яъни, қумдон ташкил қилиб, мазкур йўналишдаги ишни бошламоқчимиз. Бу билан маълум фуқароларимиз учун ислом молиясига шароит яратиш ниятидамиз. Ислом молиясининг иқтисодий ўсишимизга бевосита бўлмаса ҳам, билвосита таъсири бўлади. Чунки ислом молияси орқали харид қилинганд ёки кўрсатилган қиймат охир-оқибатда қўшилган қиймат билан ялпи ички маҳсулотимизга ўз ҳиссасини қўшади. Албатта, бундан фақат ижобий натижалар кутиш мумкин, – деган раис.

Анъанавий банк бошқа, исломий банк тизими бошқа. Қонунчилигимизнинг қурилиши анъанавий банк тизимига мослашган. Агар исломий банкни жорий қилмоқчи бўлсак, қонунчиликни тўлиқ қайта кўриб чиқишига тўғри

келади. Яъни асосий қонунларимиз — Фуқаролик кодекси, суд, солик, божхона нуқтаи назаридан кўп ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш зарур бўлади. Бу бўйича биринчи қадам қўйилган. Исломий банк тизимини ривожлантириш масаласи ўйланмоқда. Ҳукумат комиссияси тузилган бўлиб, ислом молиясини нафақат банкларда, балки бошқа соҳаларда ҳам ривожлантириш режа қилинган, – деган у.

Ўзбекистонда исломий банк ва молия инфратузилмасини яратиш режалари ҳақида 2018 йилдан бери айтиб [келинади](#). 2023 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро форумда «Арех банк» бошқаруви раиси Баҳром Нўмонов: «Ўзбекистон аҳолисининг 20 фоизи диний сабаб билан анъанавий кредит тизимидан фойдаланмайди», деб айтганди.